



## ЖАҲОН АДАБИЁТИДА ОТА ОБРАЗИНИНГ ҚИЁСИ COMPARISON OF FATHER IMAGE IN WORLD LITERATURE

Халлиева Гулноз Искандаровна  
ЎзДЖТУ Филология ф.д.проф.,

Сотволдиева Моҳинур Хазратулло қизи  
Адабиёт назарияси ихтисослиги I босқич таянч докторанти  
ЎзДЖТУ, Ўзбекистон Республикаси  
E-mail: [mohinurqodirova97@gmail.com](mailto:mohinurqodirova97@gmail.com)

DOI <https://doi.org/10.5281/zenodo.15001613>

*Аннотация:* Ушбу мақолада жаҳон адабиётининг энг сара асарларида яратилган ота сиймоси, унинг қай жиҳатдан очиб берилгани, китобхон томонидан қандай кутиб олингани, асардаги ўрни ва аҳамияти ҳақда қиёсий таҳлиллар ўрганилган, хулосавий фикрлар келтирилган.

*Калит сўзлар:* меҳрибон ота, ота сиймоси, жонкуяр ота образи, илк қаҳрамон, классик асар, жаҳон адабиёти дурдонаси, асар таҳлили.

Дунёда миллатлар кўп, қаторида маданиятлар ҳам турлича. Жаҳон мамлакатлари тили, маданияти, тарихи эса унинг адабиётида яққол намоён бўлади. Адабиётда ҳаёт образлар ёрдамида акс эттирилар экан, ғоявий-бадий етук асарлардаги кишилар образи орқали биз муайян давр ижтимоий ҳаёти тўғрисида кенг ва аниқ маълумотга эга бўламиз.

Ота сиймоси-нафақат миллий, балки жаҳон адабиётида энг кенг тарқалган образлардан бири. Адабий асарларда оталар аввало, ҳар бир ўрганилган маданият орқали учта асосий ролни ўз зиммаларига олганлигини кўришимиз мумкин: ҳимоячи, ёрдам берувчи ва тарбиячи. Оталар ҳам оналар каби, боланинг ҳиссий фаровонлигини ривожлантирувчи устун демак. Ота- фарзанди сўраши мумкин бўлган ҳамма нарсага жавоб берувчи устоз, ўрناق бўлувчи комил шахс, сизни севишини айтмай амалда билдирувчи меҳрибон, севгиси ўзига хос бўлган зот. У барча ҳаракатларимизда йўл кўрсатувчи нур мисоли ва ҳар бир боланинг биринчи қаҳрамони. Оталар севгисининг энг яхши томони шундаки, у ўзини ўйлашдан олдин ҳамма нарсанинг энг яхшиси фарзандларига бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ота билан ўзингизни хавфсиз ҳис қиласиз, оталар-ҳимоячи, ҳар қандай хавфдан огоҳ қилади.

Жаҳон адабиётида шундай асарлар борки, оталар образи уларда турли кўринишда, баъзи оталар ўз номига муносиб бўлса, бошқалари эса акси ҳолатда талқин қилинган. Лекин бир нарса аниқки, бу оталарнинг ҳар иккиси ҳам машҳур қаҳрамон ва ота сифатида ўчмас ном қолдира олган. Ота фигураси очиб



берилган “Қирол Лир” У.Шекспир, “Горио ота” Оноре де Балзак, “Дунё чемпиони Денни” Д.Роад, “Жаноб Беннет” Жейн Остин, “Бобо (“The Kite Runner”)” Холид Хусайний ва ҳок.каби яна кўплаб ёзувчиларнинг бир қанча машҳур асарлари бунинг яққол намунасидир.

Мисол учун, француз адиби Оноре де Балзакнинг “Горио ота” асарини олайлик. 1834 йилда ёзилган ушбу асар 19 аср француз жамиятида бойлик, мол-дунё кишилар ҳаётида қандай аҳамият касб этгани ҳақида ҳикоя қилади. Роман бош қаҳрамони Горио ота-собик тадбиркор, сармоядор шахс бўлиб, илгари ўзига тўқ, бадавлат шахс бўлади. Аёлининг вафотидан сўнг умри, бор меҳр-эътиборини икки қизи, Анастази ва Делфинага бағишлаган, маликалардай улғайтирган ота қизларидан ўзи кутган “жавоб”ни олмайди. Афсуски асар қаҳрамонининг иккала қизига ҳам отасининг мол-дунёсигина керак бўлади.

Горио ота шундай жонкуяр, меҳрибон ота сифатида тасвирланганини, унинг ўзи харобада яшаса-да, қизларининг маишат ортидан орттирган қарзларини тўлаш мақсадида сўнги чақасигача беришга тайёрлигидан пайқаш қийин эмас. Унинг биргина орзуси бўлади-у ҳам бўлса қизларининг дийдори. Аммо қизлар харобада яшовчи ўз отасидан номус қилганликлари учун ҳаттоки отасининг қазо вақтидаги чорловини ҳам арзимас баҳоналар билан рад этадилар. Отасининг дафн маросимида ҳам қатнашмайдилар. Асарда китобхон ноқобил қизлар ва ота ўртасидаги биргина муносабат-француз жамиятидаги чиркин одатлар, одамларнинг обро, шон-шуҳрат ва бойликка муккасидан кетгач оиладаги оқибатнинг йўқолиб бораётгани, қадриятлар сўнаётгани, нафс одамларни қандай кўйга солиб кўйгани, бойлар ўз давлати, мавқеини сақлаб қолиш учун ҳар нега тайёрлигига гувоҳ бўлади. Аслида романнинг туб моҳиятига кўра, француз жамиятининг аҳволи Горио отанинг ҳолидан кўра оғирроқ эканига ишора қилинган.

Ёки, америкалик ёзувчи Маргарет Митчелнинг 1936 йилда нашр этилган “Шамол ортидан югуриб” асаридаги ота образига тўхталиб ўтсак. Асар воқеалари фуқаролар уруши даврида Американинг Жоржиянинг Клейтон округи ва Атланта шаҳрида бўлиб ўтади. Асардаги қаҳрамонлардан бири-уч қизнинг отаси Гералд Охара, ирландиялик муҳожир бўлиб, пахта плантацияси эгаси сифатида бойлик орттирган ва ўзига яраша обрў-эътибор қозонган. У баланд овозли, мағрур, табиатан кўпол, тез-тез маст ҳолатда юрадиган киши бўлса ҳам қизлари билан муносабатда юмшоқтабиат ота ва рафиқасига меҳрибон эр сифатида гавдалантирилган.



Жаҳон адабиётида Даҳл Роаднинг “Дунё чемпиони Денни” болалар классикасининг ажойиб намунаси бўлиб, ота образи таъсирли тарзда очиб берилган асарлар сирасига киради. Уилям хизмат кўрсатиш шохобчаси ва гаражни бошқарган оддий ота, унинг ўғли Денни отасига ёрдамчи ва станция ёнида яшовчи лўлилар трейлеридида ўсган. Улар яшайдиган ҳудуд ерлари ҳеч ким ёқтирмайдиган Виктор Ҳазел исмли кекса бир кишига тегишли бўлади. Ота ва ўғил кунларнинг бирида чолга қарши фитна уюштириб, ушбу қўпол ва бой жанобдан қасос олишга киришадилар. Уилям асарда доимо кўзлари билан табассум қиладиган ва Деннига қизиқарли нарсаларни ўргатадиган, дўстдай яқин ота образида тасвирланган.

1961 йилда америкалик ёзувчи Ҳарпер Лее томонидан чоп этилган “Қизиқчини ўлдириш” романида жаҳон адабиётидаги энг мақтовга сазовор ота образи ёритилган. Аттикус Финч-Алабама штатининг Мейкомб шаҳридан бўлган адвокат, икки фарзанднинг отаси, кучли ахлоқий етук, жуда обрўли, жасур, содиқ ва наинки, ҳар бир бола отасида бўлишини истаган фазилатларни ўзида мужассам этган меҳрибон ота сиймосини гавдалантирган асар бош қаҳрамони. Унинг образи Амас Колман Ли-ёзувчининг ўз отаси асосида яратилган.<sup>1</sup> Муаллиф ушбу романи учун Пулицер, асарга ишланган филмда Аттикус Финч образини яратган Роберт Мулиган эса “Энг яхши актёр” номинациясида Оскар мукофотига лойиқ деб топилган.

Шунингдек, Жейн Остиннинг “Мағрурлик ва хурофот” асаридаги Жаноб Беннет – энг яхши ота образи учун ажойиб мисол бўла олади. Бир томондан, у оддий ва хушмуомала одам, ҳаётни севади ва қизларини севади. Бошқа томондан, у хотини каби бўлолмас, чунки Беннет хоним вақти-вақти билан тўхтовсиз турмуш қуриш таклиф қилганда, Беннет оиласида соғлом мувозанатни сақлашга интилади. У оилада қизи Жейн Елизабетни қўллаб-қувватлайдиган ва унинг китоблар, фалсафа ва мантиққа бўлган иштиёқини тушунадиган ягона одам сифатида тасвирланган.

Яна бир машҳур асар-афгон-америкалик ёзувчи Холид Хусайнийнинг 2003 йилда нашр этилган илк романи “The Kite Runner”- ота ва ўғил муносабатларига бағишланган ҳиссий ҳикоя саналади. Асарда урушдан вайрон бўлган Афғонистондаги Толибон ҳаракатининг кучайишигача бўлган нотинч воқеалар тилга олинган бўлса-да, ундаги асосий қаҳрамон Амирнинг отаси, бадавлат тадбиркор Бобо - софдиллик ва жасорат намунасидир. Боиси, унинг

<sup>1</sup> (Wikipedia.org)



олдида ўғли Амир ўзини заиф сезади. Асар кўп авлод даврини ҳикоя қилгани учун ҳам унда ота-оналарнинг фарзандлари билан ўзаро муносабатлари романда етакчи ўринни эгаллайди. Умуман олганда, асар ўқувчини юракдаги қувонч ва изтиробларга саёҳат қилдиради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бадий адабиёт сюжетида ота образи алоҳида ўрин тутади ва ота сиймоси гавдалантирилган яна шундай минглаб асарларни келтириш, асардаги унинг ўри ва аҳамиятини атрофлича таҳлил қилиш мумкин. Аммо “ОТА” тимсоли бутунлай бош даражага олиб чиқилган асарлар жаҳон адабиётида ҳам у қадар кўп эмас. “ОНА” тимсоли бундан мустасно. Ўйлайманки, ҳар бир фарзанд учун илк қаҳрамон саналган оталар ҳам асарда тўлалигича бош тимсол сифатида кенгроқ мушоҳадада ёритилишга ҳақли, муносиб кишилардир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kurbanov, S. . (2023). The Theme of Father-Daughter Relationship in —to Kill a Mockingbird by Harper Lee. Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences, 144–147. Retrieved from <https://openconference.us/index.php/ysc/article/view/804>
2. <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&opi=89978449&url=https://cyberleninka.ru/article/n/badiiy-adabiyotda-ota-timsoli&ved=2ahUKEwiyk5HEkrCLAxUWIBAIHdOhDUkQFnoECCIQAQ&usg=AOvVaw39KbFAVmOO6JUyKtGpe8VD>
2. [www.cyberleninka.ru](http://www.cyberleninka.ru)
3. Wikipedia.org
5. <https://www.google.com/url?sa=t&source=web&rct=j&opi=89978449&url=https://interonconf.org/index.php/ity/article/download/5785/5056/4945&ved=2ahUKEwiyk5HEkrCLAxUWIBAIHdOhDUkQFnoECCQQAQ&usg=AOvVaw1TVNVaKxnzsNmt77QWGtg>